



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 8 (14.059)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 28 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари! Қадрли юртдошлар!

Ўз ҳаётини Ватанини ҳимоя қилишдек энг улуғ ва олижаноб ишга бағишлаган сиз, азизларни, бунун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу кутлуг айёмда барчамиз аввало ўз жанговар постидо доимо ҳушёр ва сергак туриб, юртимиз сарҳадларини кўз қорачигидек асраб келаётган мард ва жасур, содиқ ўғлонларимизни, фидойи ота-боболаримизни, ҳақиқий ватанпарвар инсонларни шарафлаб, уларнинг шаънига энг эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Ана шундай ботир ва жонқуяр фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ҳурматли ота-оналарга, ҳарбий хизматчиларимизга ўз муқаддас бурчини адо этишда ҳамisha тоғдек таянч бўлиб келаётган уларнинг оила аъзоларига чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Армиямизнинг куч-қудрати ҳарбий хизматчилар билан бунун жамиятимизнинг бирлиги ва ҳамжихатлигида, десак, айнаи ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, ҳеч қандай ёвуз куч Ўзбекистон мустақиллигига, тинч ва осуда ҳаётимизга раҳна сололмайди, бизни демократик ўзгаришлар йўлидан ортга қайтара олмайди.

Муҳтарам дўстлар!

Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч, эркин ва фаровон ҳаётининг мустаҳкам кафолати бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган 28 йилда гоёт мураккаб ва айнаи пайтда шонли шаклланиш йўлини босиб ўтди.

Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган туб ислохотлар натижасида миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кунга айланиб бормоқда.

Минтақамизда очиклик ва миллий манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш тамойилларига асосланган янги сиёсатни амалга ошириш доирасида Қуролли Кучларимиз Марказий Осиёнинг барча мамлакатларидаги ҳамкасблари билан яқин шериклик алоқаларини ўрнатди ва мустаҳкамламоқда. Сўнгги йилларда биз бир қатор кўшма ўқув машғулотларини биргаликда ўтказдик. Шунингдек, юқори даражадаги ҳарбий делегацияларнинг ташрифларини ташкил этдик, тезкор ва жанговар тайёргарлик борасида тажриба алмашдик.

Бизнинг тобора кучайиб бораётган бундай ҳамкорлигимиз бугунги кунда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни, Марказий Осиё деб аталмиш умумий уйимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим омилга айланиб бормоқда.

Дунёдаги энг юксак стандартлар даражасида ташкил этилган узлуksиз ҳарбий таълим тизими изчил ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда янгитдан тузилган, моҳият эътибори билан ноёб бўлган Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти мамлакатимизнинг замонавий олий таълим муассасалари қаторидан муносиб жой эгаллади.

Шу билан бирга, бошқаруving тезкор-стратегик бўғинида хизмат қиладиган офицер кадрларни тайёрлайдиган янги факультет ташкил этилди. Қуролли Кучлар академиясида кўшимча таълим инфратузилмала-

ри фойдаланишга топширилди. Махсус вазифаларни бажарадиган бўлинмалар учун ҳарбий хизматчилар тайёрлайдиган ўқув марказини ташкил этиш жараёни нихосига етказилмоқда. Миллий гвардиянинг Ҳарбий-техник институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича катта ишлар олиб боришмоқда.

Жанговар тайёргарликнинг модернизация қилинган, мослашувчан тизимини жорий этиш билан уйғун ҳолда, Қуролли Кучларнинг янги ташкилий тузилмага ўтказилиши миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини бир неча баробар оширди.

Бугунги кунда бизнинг ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, армиялар ўртасидаги ва спорт беллашувларида Ўзбекистон вакиллари ўзларининг маҳорати, руҳан бақувватлиги, галабага бўлган иродасини намоён этмоқда, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини яққол кўрсатмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бунун Ўзбекистон халқига, айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фахрлиниш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда.

Миллий армиямизни қурол-яроғ ва бошқа зарур воситалар билан таъминлашга қодир бўлган мудофаа-сановат комплексини янада ривожлантириш бўйича вазифалар босқичма-босқич ҳал қилинмоқда.

Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи ва жанговар ўқдорлар ишлаб чиқарадиган корхонанинг модернизация қилингани ва техник қайта жиҳозлангани бунга яққол мисол бўла олади, уларда қайта ташкил этилган илмий-техник салоҳият эса мазкур тармоқда илмий-ишлаб чиқариш кластерларини шакллантиришнинг асосига айланиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг тўлақонли мудофаа секторини шакллантириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз яқин истиқболда нафақат миллий армиямизни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, балки кўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш имконини ҳам беради.

Халқ ва армия ўртасида ишончли кўприкка айланган ҳарбий-маъмурий секторларнинг муайян ютуқлар кўзга ташланмоқда. Ушбу секторлар ташкил этилганидан буюн **“Халқ ва армия – бир тану бир жондир”** деган шиор остида ҳарбий инфратузилмаларни модернизация қилиш ва тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Ҳарбий шаҳарчалар замонавий қиёфага эга бўлди, моддий таъминот хизматлари соҳасига аутсорсинг тизими жорий этилди. Ўтган уч йил давомида **8 мингдан** зиёд ҳарбий хизматчилар оилаларини қулай ва шинам квартиралар билан таъминлаш учун **275 та** кўп қаватли уй-жой барпо этилди, ҳарбий хизматчиларнинг аёллари учун қарийб **600 та** янги иш ўрни яратилди, **1 минг 900 нафар** ҳарбий пенсионер ишга жойлаштирилди.

Армиямиз унинг-ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва она юртга муҳаббат, миллий қадрият ва аъналаримизга ҳурмат, шонли тарихимизни чуқур библиш руҳида тарбиялаш борасидаги ишларга фаол киришганини алоҳида қайд этишни истардим. “Ватанпарвар” ва “Фахрийлар” сингари ташкилотлар, шу-

нингдек, Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича гоёт зарур бўлган ишларни биргаликда давом эттиради, деб ишонаман.

Шу ўринда Қуролли Кучлар фаолияти устидан фуқаролик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидламоқчиман. Бугунги кунда мамлакатимиз парламенти ўзининг кенгайтирилган ваколатлари доирасида “Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги қонун ва мудофаа соҳасидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилмоқда. Ўтган йили Олий Мажлис Сенати томонидан Қуролли Кучларнинг қурилиши ва ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташига доир долзарб масалалар юзасидан ҳарбийлашган вазирлик ва идоралар раҳбарларининг маърузалари бир неча бор эшитилганини таъкидлаш лозим.

Қадрли юртдошлар!

Жаҳондаги вазият шиддат билан ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол кескинлашиб, халқаро терроризм ва экстремизм хавфи ортиб бораётгани биздан халқаро ва минтақавий вазиятни ҳар томонлама таҳлил ва прогноз қилишни, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни кўришни талаб этмоқда.

Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жанговар тайёргарликни ташкил этиш самарадорлигини ошириш, Қуролли Кучларни энг янги қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа-сановат комплексини ривожлантириш бўйича фаол олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш зарур.

Биз юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ўқув-тарбия жараёнларига илғор хорижий тажрибаларни, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга бундан буюн ҳам биринчи даражали аҳамият қаратамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячилари!

Ушбу кутлуг байрам кунларида ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанинг 75 йиллигини нишонлаш арафасида ўз ҳаёти эвазига дунё халқларининг озодлиги ва эркинлигини сақлаб қолишга эришган голий аждодларимизга юксак ҳурмат ва эътибор кўрсатиш қанчалик муҳим эканини барчамиз ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этиб, бу борада катта амалий ишларни амалга оширмоқдамиз.

Сиз, ҳурматли ҳарбий хизматчиларга – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийларига Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишдек шарафли вазифани адо этишда мустаҳкам соғлиқ, улкан муваффақиятлар, куч-ғайрат, оилаларингизга эса янги – 2020 йилда фойз-барака ва бахт-саодат ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди

Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!

ВАТАН ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧ ТАРАННУМИ

Пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

“Халқлар дўстлиги” саройи олд майдони... Ватанимиз байроғи ҳиллаираб турибди. Ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар намойишга қўйилган. Уларни ота-оналар фарзандлари билан томоша қилмоқда, ёш қари, пойтахтимиз меҳмонлари шу ерда жам бўлган. Барчанинг юз-кўзида ҳаётдан мамнулик ҳисси зоҳир. Бир сўз билан айтганда, бу майдонда тинчлик ва фаровонлик тантана қилмоқда. Шундай лаҳзаларда киши кўнглида ватанпарварлик туйғуси янада жўш уради, қалбда меҳр кўр олади. Концерт саройи ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари билан гавжум. Байрам муносабати билан бу ерга сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, Қуролли Кучлар фахрийлари, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари тақдир қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди Шавкат Мирзиёевнинг Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 28 йилли-

ги ва Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан байрам тадбирини мудофаа вазирини Б.Қурбонов ўқиб эшиттирди. Миллий армиямиз жанговар салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва интеллектуал тайёргарлигини юксалтириш бўйича улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Ҳарбийларни уй-жой билан таъминлаш, оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш учун муносиб шарт-шароитлар яратилмоқда. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ролини ошириш бўйича ишлар янги сифат босқичга кўтарилди. Ёш авлод қалбига мустаҳкам ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдирини унун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбияси соҳасида моҳият

этиборига кўра ноёб тизим яратилиб, унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари қамраб олинди. Амалга ошираётган сазй-ҳаракатлар, армия ва халқнинг фаол ҳамкорлиги натижасида Қуролли Кучларимиз том маънода жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг ишончли кафолатига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланиб бормоқда. – Давлатимиз раҳбарининг байрам муносабати билан йўлаган табриги қалбимизни фаҳр, ҳаяжонга тўлдирди. – деди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири, подполковник Раҳматулло Раҳмонов. – Хизматларим юқори баҳолашиб, “Мардлик” орденига лойиқ кўрилганим-

дан жуда миннатдорман. Бундан кейин ҳам юртимизнинг муқаддас туپроғини пок асрашга ҳамisha астойдил ҳаракат қиламиз. Эришаётган ютуқларимиздан, аввало оилам, яқинларим ва ҳамкасбларим ҳам хурсанд. Тантанали концертда ҳарбий спортчилар томонидан халқаро мусобақаларда эришган ютуқлари, қўлга киритган юқори натижалари алоҳида эътироф этилди. Ёшлар томонидан бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуқлари”дан ибратли иқтибослар келтирилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тарихидаги ҳарбий оркестр жамоалари, санъат усталари ва ижрочи ёшлар, ҳарбий соҳадаги бадиий ва ҳаваскор жамоаларнинг дастури барчага манзур бўлди.

Абдулазиз МУСАЕВ



БАА ВА ЯПОНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИХАЛАР ИЖРОСИНING ҲОЛАТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилда Бирлашган Араб Амирликлари ва Японияга олий даражадаги ташрифлар якунида эришилган келишувларни амалга ошириш муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

БАА ва Япония – улкан инвестицион имкониятларга эга, жадал тараққиёт, модернизация ва илғор технологияларни самарали жорий этишда, диверсификациялашган ва барқарор иқтисодий шакллантиришга таъкид қиладиган кенг миқёсли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда катта тажрибага эга мамлакатлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24–26 март кунлари БААга ва 17–20 декабрь кунлари Японияга расмий ташрифлари икки томонлама ҳамкорлик тарихида янги саҳифалар очди.

БАА ва Япониядаги шериклар билан дўстона ва конструктив руҳда ўтган самарали музокара ва тадбирлар олий даражадаги мулоқот янада қўллаб-қувватлашнинг муҳимлиги, бу мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончли мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ташрифлар якунида ҳукуматлараро ва идоралараро салмоқли ҳужжатлар тўплами, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестицион битимлар имзоланди. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари билан умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ, Япония билан эса 6,6 миллиард доллардан зиёд қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Жумладан, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, нефть-газ, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат саноати, туризм ва бошқа соҳаларда қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Йиғилишда БАА компаниялари билан эришилган келишувлар бугун ўз натижасини бераётгани таъкидланди. Масалан, “Масдар” компанияси Ўзбекистонда кўш электр станцияси қурилишига 100 миллион доллар сармога киритмоқда. 2019 йил октябрь ойида кўш энергетикасида давлат-хусусий шериклик асосида инвестициялар жалб қилиш бўйича юртимиз тарихида илк бор ўтказилган очик тендерда ушбу компания голий деб топилди. Қурилиш ишлари 2020 йилнинг биринчи чорагида бошланиши кутилмоқда.

Бундай ижобий натижалар БАА ҳамда Япония иштирокидаги бошқа қўллаб лойиҳаларда ҳам кузатишмоқда.

Хусусан, БАА иштирокида 1 миллиард долларлик капиталга эга “The Abu Dhabi Uzbek Fund” инвестиция фонди ташкил этилди. Бугунги кунга келиб ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан кичик ва ўрта лойиҳаларни, шунингдек, Самарқанд шаҳрида меҳмонхона қуриш, “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонаси хусусийлаштирилишини молиялаштириш маъқулланди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) маблағларини жалб қилган ҳолда Республикаси иختисослаштирилган неврология ва инсулт илмий-амалий тиббиёт марказини қуриш ва жиҳозлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) кредит маблағлари ҳисобидан “Маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш марказлари (дата-марказлар) ташкил этиш”, “Пакетли коммутиция халқаро марказларини кенгайтириш”, “Телекоммуникация транспорт тармоғи ва маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш”, “Радиотармоқни модернизация қилиш” лойиҳаларини амалга ошириш учун 180 миллион доллар маблағ жалб этишни режалаштирган.

Шу билан бир қаторда, япониялик мутахассис Эцуаки Ёшида Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида вазир маслаҳатчиси сифатида фаолият бошлади. У АКТ соҳасидаги корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурини амалга ошириш учун хорижий инвестициялар ва халқаро кредит линияларини жалб қилиш масалалари билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонасида таълим, фан ва инновациялар бўйича маслаҳатчи-вакил ҳамда хусусий бизнес билан ишлаш бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев йиғилишда ташрифлар натижалари бўйича ишлаб чиқилган “Йўл хариталари”га мувофиқ 2020 йил учун белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги раҳбариятининг ҳисоботи эшитилди, аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, экспорт олдиди молиялаштиришни кенгайтириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, саноат тармоқлари ва истикболли лойиҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда манзилли ёндашуви амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди ва тақдирлар ишлаб чиқилди.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ЮРТ ҲИМОЯЧИЛАРИ МУНОСИБ ШАРАФЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги Қуролли Кучлар давлат музейи ҳовлисида қад кўтарган "Ватанга қасамёд" монументи ҳалқимизнинг Ватан ҳимоячиларига чуқур ҳурмат-эҳтиромининг тимсоли ҳисобланади. 14 январь куни эрта тонгдан Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан бу ерга ташриф буюрувчилар сафи янада кўпайган.

Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, йигитлик бурчини ўтаётган аскар офицерлар, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юрталари талабалари, ота-оналар, пойтахтимиз меҳмонларини кўриш мумкин. Барча монумент пойга гулчамбарлар кўйиб, ўз ҳурмати ихор қилди.

"Ватанга қасамёд" монументи ёшларимизни она юртга меҳр-муҳаббат, садоқат, мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Ватанни кўз қорачигидек асраш, уни ҳимоя қилиш мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас ва шарафли бурчидир.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъуллари, офицер ва генераллар, сержант ва курсантлар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазир, генерал-майор Баходир Қурбонов сўзга чиқиб, бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактаби, миллий армиямиз эса мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва ҳалқимиз оқибатининг ишончли қафолати эканини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар салоҳиятини юксалтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, армияни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётгани кайд этилди.

Президентимизнинг 2020 йил 10 январьдаги "Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳи-

ни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони билан тақдирланган ҳарбийларга орден ва медаллар тантанали равишда топширилди. Улар орасида ҳарбий аёллар ҳам бор.

– Ўз касбимни жуда яхши кўраман, – дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм маркази мутахассиси, "Шухрат" медали соҳиби Ойдиной Убайдуллаҳжаева. – Шу орқали жамиятда ўз ўрнини топиб, Ватанга ҳолис хизмат қилмоқдам. Давлатимиз томонидан соҳада кўрсатаётган хизматларим юқори баҳолашиб, юксак мукофотга лойиқ кўрилганидан жуда миннатдорман. Бу эътироф мен каби ҳарбий соҳада фаолият юритаётган аёлларга катта масъулият юқлайди. Бундан кейин ҳам бор куч-ғайратим билан ҳарбий соҳада фаол хизмат қилишга ҳаракат қиламан.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан мамлакатимиз мудофаа қудратини ҳар томонлама ошириш, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш, Ватан ҳимоячилари, уларнинг оилалари учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли кредитлар асосида кўп қаватли уйлар фойдаланишига топширилди. Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари билан ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Жорий йилда ҳам Қуролли Кучларимизни модернизация қилиш, хусусан, ҳарбий таълим соҳасига замонавий билим, илғор хорижий тажрибалар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишлар тизимли равишда давом эттирилади. Хусусан, шахсий таркиб ўртаклада миллий ўзликини англаш ва жанговар руҳни, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Йиғилишда тизимда узоқ йиллар самарали хизмат қўрсатган фахрийларга эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, бир қатор офицерларга ҳарбий унвонлар берилди.

(ЎЗА)

2020 йил 1 январдан "Ягона дарча" божхона ахборот тизими ишга туширилди. Энди экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатларни ушбу тизим орқали расмийлаштириш мумкин.

Хўш, бу тизимдан қўзланган мақсад нима ва қандай афзалликларга эга? Тадбиркорларга қандай қўлайликлар яратилди?

Бу ҳақда Давлат божхона қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида батафсил тўхталинди.

"Ягона дарча" божхона ахборот тизими Президентимизнинг 2019 йил 20 ноябрдаги "Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида жорий қилинди.

Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбасари Б.Раҳимовнинг сўзларига кўра, ушбу қарорга асосан 2020 йилнинг 1 февралидан бошлаб экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатларни "Ягона дарча" божхона ахборот тизими орқали расмийлаштириш назарда тутилган бўлиб, амалда 2020 йилнинг 1 январидан эътиборан мазкур тизим www.singlewindow.uz манзилида ишга туширилди.

"Ягона дарча" божхона ахборот тизимига Давлат божхона қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўздав-карантин" инспекцияси каби ваколатли органларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари интеграция қилинган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиботлар танқидий қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабига жавоб берайдиган бюрократик тўсиқ ва говлар бекор қилинди. Қўрилган чоралар натижасида республикада ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Бундай ижобий ўзгаришлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кенг эъти-

роф этилмоқда. Жумладан, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган "Бизнес юритиш – 2020" ҳисоботида Ўзбекистон 69-ўринини эгаллаб, ислохотлар микёси ва самарадорлиги бўйича дунёнинг энг яхши 20 та ислохотчи давлати қаторидан жой олди.

Шу билан бирга, тадбиркорлар ва инвесторлар билан учрашувлар жойлардаги ижрочилар соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан тўлиқ хабар-

бўйича маркази томонидан ишлаб чиқилган "Ягона дарча" механизминини яратиш бўйича тавсиялар ва йўл-йўриқ тамойиллари мезонларига жавоб берадиган "Ягона дарча" божхона ахборот тизимини жорий этиш белгиланган эди.

Ўтган қисқа муддат давомида мазкур йўналишдаги ишлар жадал суръатларда олиб борилди. 2019 йил якунига келиб мазкур тизим ишлаб чиқилди ва синов тарзида ишга туширилди.

"ЯГОНА ДАРЧА" БОЖХОНА АХБОРОТ ТИЗИМИ – ТАДБИРКОРГА КЎМАКДОШ

дур эмаслигини, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши сезиларли даражада ортада қолаётганини, айрим лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштиришда ортиқча бюрократик тўсиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, фитосанитария, санитар-эпидемиологик, ветеринария, экологик назорат ва сертификатлаш органлари фаолиятини ўрғаниш натижалари уларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтувчи товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан назорат функцияларини амалга ошириш самарадорлиги ва тежорлигини ошириш, шу жумладан, идоралараро электрон ҳамкорликни жадал жорий қилиш орқали такомиллаштириш заруратини юзага келтирди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги "Ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур тизимни жорий этиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад ваколатли орган ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўртасида интеграциялашган ахборот тизими ва муҳим маълумотлар базаси асосида ахборот алмашиш учун ягона интерфейсни яратишдан иборат. Бу муҳим маълумотлар базаси орқали ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари давлат хизматларидан One-Stop Service тамойили (хизматлардан бир жойда фойдаланиш) бўйича фойдаланилади.

Шунингдек, "Ягона дарча" божхона ахборот тизими ташқи иқтисодий фаолият субъектларига қўллаб-қувватлашни яратди. Хусусан, импорт, экспорт ва транзитга тааллуқли барча тартибга солиш талабларини бажариш мақсадида стандартлаштирилган маълумотлар ва ҳужжатлар ягона ўтказиш каналидан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. Ахборот алмашишнинг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий база билан мустаҳкамлаган ҳолда, ташқи савдо битимларида доир барча ахборотларни алмашиш имконияти юзага келади. Давлат божхона хизмати, ваколатли

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги байрами муносабати билан "Мардлар қўриқлайди Ватанни" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ "Ватанпарварлик – миллий юксалиш қафолати" шiori остида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Р.Қосимов сўнгги йилларда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар салоҳиятини юксалтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, армияни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ҳарбий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида юртимиз хавфсизлиги ва тинчлиги, сар-

ҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга ҳар жиҳатдан қодир, замонавий, энг янги қурол-яроғлар ва ҳарбий техника билан таъминланган, мутлақо янги миллий армия вужудга келди.

Унинг замирида халқимизнинг минг йиллар давомида шакланган қадимий анъана ва қадриятлари асосида буюк аجدодларимиз Амир Темур, Заҳрирдин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди сингари она Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр мард ва юртга садоқатли ватанпарварлар камол топиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари зобит ва аскарлар ўртасида миллий ўзликини англаш, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш диққат марказида бўлишига эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида мударри ҳарбий хизматни ўтаб келган талабалар томонидан ҳарбий қўшиқ ва бадийлаштирилган саҳна кўриниши намойиш этилди.

(ЎЗА)



ШУ АЗИЗ ЮРТ БАРЧАМИЗНИКИ

Ватан азиз... Унинг ҳар қарич тупроғи муқаддас. Уни асраш, унинг ҳар бир қаричини авайлаш мана шу масканда туғилган инсон учун ҳамда мазкур гўшада униб-ўсган, ҳавосидан нафас олган инсоният учун масъулиятли вазифадир.

Истиқлолнинг илк кунлари-данок давлатимиз раҳнамолигида Ватанимиз посбонларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг ҳарбий салоҳиятини ошириш ва албатта Ватан саркадларини ҳимоя қилиш, мустақилликни асраб-авайлаш муқаддас бурч эканлигини ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш мақсадида Қуролли Кучларнинг ташкил этилиши юрт оқибатининг таъминлашга замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ўлкаимизнинг ҳар бир масканида байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири "Ёшлик" талаба-

лар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказининг "Талабалар медиа-иқтисодий ва маданият маскани"да "Ишончим, фахри ифтихорим – миллий армиям!" мазмунида ташкил этилди. Унда шаҳарча ҳудудида жойлашган Тошкент давлат техника университетининг ҳарбий кафедраси талаба-ёшлари, курсантлар, офицерлар қатнашди.

Тадбир дастури спорт мусобақалари, маданият тадбир, "Эулифия" номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ижодига бағишланган чиқишлар жой олди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлик" талабалар

Зиёда РАСУЛОВА

органлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсат этиш ҳужжатларини расмийлаштириш босқичларини масофадан кузатиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлардаги эпизоотик, карантин ва фитосанитария ҳолатлари тўғрисидаги очиқ маълумотлар энг сўнгги кўрсаткичлар ҳолатида ушлаб турилади. Дастлабки маълумотлар асосида товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда етиб келишига қадар рухсат берувчи характерга эга ҳужжатларни бериш йўлга қўйилди.

Божхона ахборот тизимининг кўриниши 2 блокдан иборат бўлиб, биринчи блокда ариза тақдим этиш, портал ҳақида, асосий маълумотлар, саволлар, тақлифлар, рухсатнома, сертификатлар ҳақиқийлигини текшириш ва хавфларни таҳлил қилиш тизими каби бўлимлар мавжуд. Иккинчи блок нотариф тартибга солиш тўғрисида маълумотлар, божхона юк декларациясини расмийлаштириш, назорат қилувчи органларнинг интерактив хизматлари, божхона ва бошқа органларнинг реестрлари, хавфларни таҳлил ва бошқариш тизимлари ва логистика компаниялари каби бўлимларни ўз ичига олади.

Энди тадбиркорлар ўз идораларидан чиқмасдан туриб интернетдаги www.singlewindow.uz манзилида жойлашган "Ягона дарча" божхона ахборот тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатларни олиш учун ариза юбориши мумкин.

Аризага жавобан берилган ҳужжатлар ва сертификатлар мазкур портал орқали бир вақтинг ўзида ҳам тадбиркорга, ҳам божхона органларига божхона расмийлаштируви учун тақдим этилади. Шунингдек, тадбиркорлар портал орқали рухсатнома ва сертификатларнинг ҳақиқийлигини текшириш, ҳужжатларнинг шакллари, божхона тарифлари ва режими, экспорт ва импорт кўрсаткичларига доир фойдали маълумотларни ҳам олишлари мумкин.

Маълумотларга кўра, ҳозирда 4 минг 700 дан ортиқ ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари "Ягона дарча" божхона ахборот тизимидан фойдаланмоқда.

Анжуман давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олди.

Нурилло НАСРИЕВ

XXI сағоси аср Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик муסיқали театрида Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги байрам тадбири бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бошқармаси ва маҳаллий ҳокимлик вакиллари жанубдаги воҳада камолга етиб, мустақиллик йиллари Ватанимиз тинчлиги, кўп миллатли халқимизнинг обод турмушини таъминлаш йўлида мардларча ҳалок бўлган осойишталик посбонлари оилаларида бўлиб, икки миллиондан пул ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини топширди.

• Бухоро вилоятида ҳам мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўқпаб маданият-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирда юғурчи марафони ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган тош кўтариш, волейбол мусобақаларининг совриндорлари ҳам тақдирланди. Фестиваль вилоят санъат усталари, таниқли эстрада хонандаларининг чиқишлари, куй-қўшиқ ва рақслар билан аяқланди.

• Нукусда опера санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилади. Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Композиторлар ва бастакорлар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида опера санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш, мактаб-интернат учун бино ва иншоотларни, шу жумладан, 100 ўринли 2 та ўқув биноси, 50 ўринли ётоқхона ва ошхона биносини қуриш бўйича тақлиф маъқулланиши мумкин.

• "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида янги цемент заводи-нинг биринчи босқич лойиҳаси ишга туширилди. Тантанали маросимда вилоят ҳокими ва мутасадди ташкилот вакиллари ва кенг жамоатчилик иштирок этди. "Farg'ona Yasin qurilish mollari" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси томонидан амалга оширилган лойиҳанинг умумий қиймати 200 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

ЖАҲОНДА

• Мадридда мактаб ўқувчиларига мобиль телефонлардан фойдаланиш тақиқланади, деб маълум қилди Мадрид мухтор ҳамжамияти ҳукумати. Бу ерда келаси ўқув йилидан бошлаб дарсларда мобиль ва бошқа қурилмалардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида йўриқнома қабул қилиш режалаштирилмоқда. Ўқувчиларнинг танаффус вақтида телефонлардан фойдаланишини эса мактаб раҳбарияти ўзи ҳал қилади. Миллий статистика институти маълумотларига кўра, испаниялик 10 ёшгача бўлган болаларнинг 22, 11 ёшлиларнинг 38, 12 ёшлиларнинг 64, 13 ёшлиларнинг 84, 14 ёшлиларнинг 92 ва 15 ёшлиларнинг 94 фоизи мобиль телефонга эга. Мобиль телефонлардан фойдаланишни тақиқлаш барча мактабларда жорий этилади. Фақатгина ўта зарур ҳолларда улардан фойдаланишга рухсат берилади.

• Ҳолливуд актёри Жеки Чан "Авангард" (The Vanguard) фильмида суратга тушиш вақтида ҳалок бўлишига бир баҳя қолгани ҳақида сўзлаб берди. Воқеа отишма саҳналаридан бири суратга олинмаётган вақтда юз берган. 65 ёшли актёрнинг таъкидлашича, у суратга олиш вақтида денгиз тубида тошлар орасига тикилиб қолиб, у ердан чиқиб кета олмаган. Бироқ машҳур актёр ваҳимага тушмаган, аммо кўркувдан титрай бошлаган. Шунда Чаннинг ҳамкасблари ёрдамга келиб, уни сувдан чиқариб олишган.

• Индонезиянинг Жанубий Суматра вилоятида автобуснинг дарага тушиб кетиши оқибатида 24 киши ҳалок бўлди. Маълум қилинишича, йўл-транспорт ҳодисаси 23 декабрь кечаси юз берган. Шунингдек, 13 киши жараҳат олган. Воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилган. Автоҳалокатта нима сабаб бўлгани ҳозирча номаълумлигига қолмоқда.

Янги корхона

ҲИНДИСТОН БИЛАН ҚЎШМА КОРХОНАДА АМПУЛА ВА ИНФУЗИОН ЭРИТМАЛАР ШАКЛИДАГИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Тиббиёт – мураккаб ва масъулиятли соҳа. Янгиланаётган Ўзбекистонда соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган ислохотларни кузатиб бориш, кези келганда иштирокчисига айланган барчамизни хурсанд қилади. Шу жараёнда тиббиёт муассасаларида яратилган шарт-шароитлар, аҳолига берилган қулайликлар, ҳатто шифокор ва ҳамшираларнинг беморга бўлган муносабати ўзгарганига барчамиз гувоҳимиз.

Фармацевтика соҳаси ривожига ҳам ана шундай ижобий фикрларни айтиш мумкин.

Ўтган икки йилда 41 янги фармацевтика корхонаси ташкил этилиб, улар сони 191 тага етгани, 2019 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 2018 йилга нисбатан 1,5 баробар ўсгани фикримиз исботидир. Фармацевтикага ихтисослашган 8 эркин иқтисодий зонада қиймати 84 миллион долларлик 18 янги қувват ишга туширилиб, 600 турдаги дорилар ва 50 дан ортиқ тиббий буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мутахассислар фикрича, ҳали ички бозор эҳтиёжлари тўлиқ қондирилмапти. Қувватлар етарли эмаслиги, маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари турлари торлиги боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 15 ноябрь куни фармацевтика тармоғини ривожлантириш ҳамда аҳолини дори воситалари билан таъминлаш борасидаги ишлар таҳлили муҳокамасига бағишланган йиғилишда соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон ҳамда

сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва техникалари билан таъминлаш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, Ҳиндистон, Россия, Украина, Хитой, Венгрия, Болгария ва Словакиянинг йирик фармацевтика корхоналари билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Ушбу вазифалар ҳамда Президентимизнинг ҳудудларга бўлган ташрифи чоғида берилган топшириқлари ижроси юзасидан Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа масъул ташкилотлар томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда. Фармацевтика саноати ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, хорижий инвесторлар иштирокида корхоналар ташкил этилмоқда.

– Бундан бир неча йил олдин Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро форумлардан бирида Ўзбекистон делегацияси юртингизнинг сармоявий жозибадор-

лигини акс эттирувчи тақдимотлар, учрашувлар ўтказган эди, – деди ЎЗА муҳбирига “Serene Healthcare” Ўзбекистон – Ҳиндистон қўшма корхонаси бош директори Сатиш Виджайварги. – Ўша учрашувда имзоланган келишув асосида Тошкентда “Serene Healthcare” қўшма корхонаси иш бошлади. Биз ампула ва инфузион эритмалар шаклидаги дори воситалари тайёрлаёмиз.

Сатиш Виджайварги Ўрта Осиё марказида жойлашган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қўшни бозорларга экспорт қилиш ҳам жуда қулай эканини таъкидлади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази томонидан “Serene Healthcare” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган дори воситаларини регистрация қилиш жараёни кечмоқда. Ушбу жараён ақунланиши билан, яъни дори воситалари маълум клиник синовлардан ўтгандан сўнг корхона тўлиқ қувватда ишлаш бошлайди.

“Serene Healthcare” қўшма корхонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши келгусида ички бозорда маҳаллий дори воситалари улуши ортишига салмоқли ҳисса қўшади.

Моҳигул ҚОСИМОВА

Тумандан хабарлар

ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ

Бектемир туманида “Кўринг, ҳавас қилинг, ибрат олинг” шиори остида “Уч авлод учрашув” Ватан химоячилари кунига бағишланган тадбири ўзгача кайфиятда ўтказилди.

Тадбирда туманда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, мудофаа тизимида фаолият юритиб, ҳозирги кунда нафақада бўлган маҳалла раислари, нуруний фахрийлар иштирок этди. Улар ўз ҳаёт йўллари, юрт химояси йўлида кўрсатган жасоратлари тўғрисида ёшларга фахр ва ифтихор билан сўзлаб бердилар. Ёш авлод томонидан ҳам фахрийларимизга улкан ҳурмат ва эҳтиром билдирилди.

ОИЛАЛАР ТИНЧЛИГИ МАҲАЛЛА КЎРКИ

Юртбошимиз томонидан 2020 йилда оилаларнинг мустақамлиги, ажримларнинг олдини олиш ҳар бир раҳбар ва ҳодимга муҳим вазифа сифатида берилган топшириқ Бектемир туман фуқаролар йиғинлари томонидан алоҳида масъулият билан ушбу йўналишда ишларни бошлашга туртки бўлди.

Ҳар бир маҳаллада ўзаро келишмовчилик бўлган, ажрим ёқасида бўлган оилалар билан намунали оилалар ҳамкорлигида иш олиб бориш, бу хайрли ишларга тумандаги имом хатиб, отинийлар ва ИИБ ходимлари билан ҳар бир маҳалланинг асосий вазифасига айланди. Йил бошиданок ҳар бир хонадон, хусусан, ёш оилалар уйига бориб, уларнинг шарт-шароитлари, муаммо ва тақлифларини ўрганиш Тошкент шаҳар маҳаллалар кенгашининг “Савобли иш” лойиҳаси ва “Яраштириш комиссияси”нинг режаси асосида амалга ошириб келинмоқда. Маҳаллада нотинч оилаларни эмас, балки намунали оилалар сонини кўпайтиришда маҳаллаларни чарқок билмасликларини тилаб қоламиз. Зеро, тинч-тотув оила маҳалла, юртининг кўрки, жамиятга керакли ёшларни тарбиялашнинг пойдеворидир.

ЭНГ ЯҚИН ВА ХАЛҚЧИЛ ТУЗИЛМА

Фуқароларнинг муаммо ва тақлифлари, уларнинг дардини эшитиш, уларни ҳал этиш фуқаролар йиғинларининг энг асосий вазифаси.

Бектемир туман маҳаллалари ўзларига юклатилган ушбу улкан масъулиятни шараф билан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Шу ўринда тумандаги фуқаролар йиғинларининг қабул қилган душанба-жума кунлари соат 9.00дан 18.00га қадар эканлигини эслатиб ўтаемиз.

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бектемир туманидаги тўртта сектор раҳбарлари томонидан сектор таркибига кирувчи ҳар бир маҳаллада ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи, ишга жойлашиш истагида бўлган ёшларга йўналишларда ўз фикр ва мулоҳазалари, тақлифлари бўлган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишни мақсад қилиб олишди.

Ушбу тадбирларга маҳалла раислари ҳар бир ўз мақсадига эга бўлган ёшни тақлиф этиш билан бир қаторда, уларга кўмакдош бўлишмоқда. Зеро, ҳар бир муросагагина ҳал этиш ва кўмаклашиш маҳалла раисларининг асосий мақсадларидан биридир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бектемир туман кенгаши матбуот хизмати

Реклама ва эълонлар

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

“KO’CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

“Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қосидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2020 йил 13 январдаги 97-сонли буюртманомасига асосан тақдоран қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда.

1. Фаргона вилояти, Бешарик туманида жойлашган, умумий майдони 11921,32 кв. метр, қурилиш ости майдони 21500 кв. метр, савдо расталари, автотураргоҳ 7 та литердан иборат, 2 қаватли “Бешарик дехқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 6 595 087 738 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 17 январь куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар муддатли бўлиб тўлаш шартли билан 5 (беш) банк иш куни ичиде сотувчи билан тегишли мулк қийматини 5 йилдан – 7 йилгача муддатга бўлиб тўлаш шартлари асосида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Шунингдек, юқоридаги кўчмас мулк 2020 йил 17 январь куни сотилмаган тақдирда 2020 йил 31 декабрга қадар ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадан нусخаси шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- jismoniy шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вақил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Талабдорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги ҳ/р: 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширишга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинади: манзил: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел: (071) 237-23-96. www.1kms.uz

Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

Лицензия RA-0001

Қарор ва ижро

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа энергия самарадорлигини ошириш, шунга мос технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилон фойдаланишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

“Ўзатом” агентлигида ташкил этилган республика семинарида шу эҳтиёж қамровидаги масалалар муҳокама қилинди.

Соҳа олимлари, корхоналар вакиллари ва мутахассислар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг биринчи ўринбосари, “Ўзатом” агентлиги бош директори Жўрабек Мирзамухаммадов ва бошқалар сўзга чиқиб, истеъмолчиларни электр энергия билан тўлиқ таъминлашда муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш мавжуд муаммолар ечимида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу ишлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

– Мазкур қарор билан 2019–2022 йилларга мўлжалланган комплекс дастур тасдиқланди, – деди ЎЗА муҳбирига Энергетика вазирлиги департаменти директори Музаффар Ҳакимов. – Ушбу дастурда замонавий кўёш фотоэлектр станциялари ва кўёш сув иситкичларини босқичма-босқич ўрнатиш, энергия самарадор иситиш тизимларини ҳамда замонавий иссиқлик насослари ва рекуператорларни жорий этиш кўзда тутилган. Мамакатимизда бир йилдаги электр энергия истеъмоли 65 миллиард килловат соатни ташкил этаётган бўлса, шунинг 90 фоизи табиий газ ҳисобидан

қопланади. Бунга кўёш ва шамол манбалари ёрдамида камайтириш имкони бор. Тадбирни ўтказишдан мақсад ҳам республикамиздаги энергия потенциалини таҳлил қилиш ва иштирокчилар тақлифларини ўрганиш орқали келгуси режаларни белгилаб олишдир.

Семинарда биололарнинг иссиқлик химоя тизимини яхшилаш, икки камерали ва энергия самарадор дераза блокларини, светодиодли манбаларни ўз ичига олган сенсорли датчиклар, хаво рекуператорлари, хонадонларда кўёш фотоэлектр станциялари ва кўёш сув иситкичларини ўрнатиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам сўз борди.

– Корхонамиз Жиззах вилоятидаги эркин иқтисодий зонада жойлашган. Кўёш сув иситиш ускуналарини ишлаб чиқариб, уларни ўрнатиб ҳам берамиз. Мазкур ускуна кўёш нури орқали сувни иситиб, хонадонлар ва ташкилотларни иссиқ сув билан таъминлайди. Маҳсулотларимиз қўшни мамлакатларда ҳам сотилмоқда. Семинар доирасида ташкил этилган кўргазмада уларни намойиш қилдик, – деди “Кўёш иссиқлик энергияси” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси менежери Отабек Гафоров.

Тадбирда энергия истеъмоли самарадорлигини баҳолашнинг шаффофлиги ва ҳолислиги, корхоналарнинг энергия сарфи ҳажмини пайсаятириш ҳамда атмосферага чиқариладиган чиқиндиларни камайтириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

“Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтида “Мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги самарадорликни оширишда стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотларнинг техник қўмиталарига аъзо бўлишнинг аҳамияти” мавзусида матбуот анжумани бўлди.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Унда мутахассислар стандартлаштиришнинг замонавий усуллари, соҳа янгиликлари ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, стандартлаштириш тизими тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Унинг асосини бизнинг заминда яшаб ўтган аجدодларимиз кашф қилган янгиликлар, илмий излашлар ва ташвиқотлар ҳосил қилади. Аслида мезон, тарози ва ўлчов бор жойда стандартлаштириш илдизи бўлади. Жумладан, Фаробий Нил дарёси қирғоқларидаги тошқинни олдиндан айтгандаги ўлчовда, Мирзо Улугбекнинг 1018 кўзгалмас юлдуз манзилини аниқлагандаги буюк кашфиётда ҳам стандартлаштириш унсури мўжзаас.

Бугун стандартлаштириш иқтисодиётни модернизация қилиш, технология ривожланишга таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бирига айланган. Бу тизим инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти томонидан мамлакатимизда халқаро стандартларга мос, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама химоя қилиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Институт мутахассислари маълум қилганидек, яқин вақт давомида ўзбекистон ҳисобидеги ишлар бўйича 236 юридик ва jismoniy шахслар билан шартномалар тузилди, фойдаланишга яроқли бўлган 8733 донга ўлчаш воситаси учун кийсаб сертификатлари ва 138 донга ўлчаш воситасининг яроқсизлиги тўғрисида хабарномалар расмийлаштирилди. Республикамиз ҳудудида ягона нусхада келтирилган 20 турдаги ўлчаш воситалари метрологик аттестациядан ўтказилган.

– Стандартлар институти хорижий давлатлар билан халқаро алоқаларини йўлга қўйган, – деди Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот маркази директори Файрат Фозиев. – Жумладан, Молдова, Қозоғистон, Туркия, Таиланд каби давлатлардаги ҳамкасбларимиз билан доимий алоқада бўлиб, соҳага доир янгиликлар юзасидан фикрлашиб тураемиз.

Матбуот анжуманида маълум қилинишича, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама химоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида 500 га яқин ташкилот стандарти ўрнига тегишли маҳсулотлар учун 5 давлат стандарти лойиҳаси ишлаб чиқилиб, рўйхатга олинган.

Дилобар МАМАТОВА

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ҲАЖМИ ОШИРИЛАДИ

Мамлакатимиз пилла етиштириш ҳажми бўйича жаҳонда учинчи ўринни эгаллайди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса биринчи ўринда туради.

нинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2018 йилда 84 фоизга, 2019 йилда озуқа базасини мустақамлаш ва пилла етиштириш ҳажминини ошириш эвазига бу кўрсаткич 95-96 фоизга чиқарилди. Шу билан бирга, инвестицияни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш ва экспорт салоҳиятини оширишга эришилди. Мисол учун, 2019 йилда 65,2 миллион долларлик ипак маҳсулотлари экспорт қилиш прогнози орғиси билан удаланди, яъни йил якунига қадар бу кўрсаткич 70 миллион долларга етказилди.

Уюшма 2020 йилда пилла курти озуқаси сифатини яхшилаш, тўзторлар майдонини кенгайтириш, инвестицион лойиҳалар ижросини таъминлаш ва пилла хом ашёсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ҳажминини ошириш ниятида. Бу жараёнда хорижий технологияларни амалиётга тағбиқ этиш мазкур ташкилотнинг асосий вазифаларидан. Ўтган йилда уюшма томонидан Европанинг “Piscanol”, “Vandewiele” ҳамда Корея компанияларида ишлаб чиқарилган ипак мато тўқиш, тикув дастгоҳлари ҳамда Япониянинг “Mimaki” компаниясининг ипак матога ранг бериш ва гул бошиш принтерларини ўрнатиш

каби келишувларга эришилгани ҳам шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда 12 нафар хорижий мутахассиснинг мамлакатимизга келиб, юртимиз соҳа вакиллари аян шундай дастгоҳларни бошқариш бўйича ўргатаётгани, 45 нафар ходимнинг чет давлатларда маляксанин ошираётгани ҳам жорий йилги режалар амалиётда алоҳида ўрин эгаллайди. Пиллани чуқур қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариши 2019 йилга нисбатан 191 фоизга, экспорт салоҳиятини 73,8 миллион долларга етказиш ҳам бу йилги улкан режалардир.

– Мен уюшмада меҳнат қилаётганимга ҳали кўп вақт бўлмади, – деди “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси бошқарув раисининг хорижий маслаҳатчиси Андрей Хансен. – Ҳозир тизим билан танишув жараёнидаман. Биламанки, сифат бўйича муаммолар бор. Мақсад айна шу муаммоларни барқарор этиб, ўзбек ипак маҳсулотларини Европа бозорига олиб чиқишдир. Уюшма фаолиятини халқаро талабаларга олиб чиқиш ва қўллаб хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрнатиш борасида ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

(ЎЗА)

ЎЗБЕК РАССОМЛАРИ ХИТОЙДА

Ўзбекистон Бадий академияси аъзоларининг Хитой Халқ Республикасининг Ханчжоу шаҳрига ижодий сафарига доирасида мазкур шаҳарда мамлакатимиз мўйқалам соҳибларининг ижод намуналаридан иборат бадий кўргазма ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона алоқалар тобора равнақ топаётгани таъкидланди. Ўзаро маданий алоқалар, жумладан, "Бир макон, бир йўл" дастури доирасида ижодий ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётгани эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов санъат ва маданият ҳар доим халқлар ва давлатларни бири-бирига яқинлаштиришга хизмат қилгани, бугунги кунда ўзбек-хитой рассомларининг ижодий ҳамкорлиги кўлами тобора кенгайиб бораётганини қайд этди.

Ўзаро тажриба алмашинувлар, ўзбек рассомларининг кўргазмаларини Хитойда, хитойлик рассомларнинг кўргазмаларини Ўзбекистонда ўтказиш жадал тус олди. Бу кунда тадбирлар халқларимизни янада яқинлаштириш, санъатидан баҳраманд бўлишга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат, юртимиз рассомлари миллий тасвирий санъатимизнинг бой аъёнлари, бетакрор услуб ва йўналишларни ўз ижодида акс эттиргани билан наинки мамлакатимизда, балки халқро миқёсда ҳам шуҳрат қозонмоқда. Бетакрор қадриятларимиз, табиат манзаралари, борлиққа мусаввирларнинг теран нигоҳи билан назар солиниши асосида ишланган картиналар хитойлик нафис санъат муҳлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбек рассомлари делегациясининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи кунларида "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси доирасида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш, ижодий соҳада тажриба алмашинув истиқболларига оид масалалар муҳокама этилди.

Юртимиз рассомлари делегацияси Ханчжоу Бадий академиясига ташриф буюриб, академияда йўлга қўйилган ўқув жараёни билан танишди. Ташриф доирасида Ханчжоу Бадий академияси мутасаддилари билан мулоқот бўлиб ўтди. Учрашувда ҳамкорликнинг янги, истиқболли йўналишлари юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Ханчжоу Бадий академияси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидида Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган масаласи муҳокама қилинди. Келгусида ҳамкорлик меморандумига оид амалий тақлиф ва хулосалар ишлаб чиқишига келишиб олинди.

Н.УСМОНОВА



"ҚИЗЛАР ОВОЗИ" КЛУБИ – ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР САРИ ЙЎЛ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида хотин-қизларимиз учун ҳам кенг имкониятлар йўли очилди. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш учун улардан шижоат, билим ва қатъият талаб этилади холос.

Бу ҳақда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ёшлар пресс-клубида бўлиб ўтган "Қизлар овози" II республика форумида атрофлича фикр юритилди.

Тадбир Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус ижроси доирасида ташкил этилди.

Форумда депутатлар, сиёсат, илм-фан, маданият соҳаси вакиллари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вакиллари, Ёшлар иттифоқи тизимида ишлаётган қизлар, талаба-ёшлар ва журналистлар иштирок этди.

Форумдан мақсад мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 30 фоизини ташкил этадиган 30 ёшгача бўлган хотин-қизларни "Қизлар овози" клуби тар-

кибида бирлаштириш ва уларнинг муаммолари ечимига қўмақлашдан иборат. Шу мақсадда тадбирда қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеи, масъулияти, гендер тенглик масалалари, лойиҳалар тақдироти ва психологик тренинглар ташкил этилди.

Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги "Ёшлар оромгоҳи"да бўлиб ўтган "Қизлар овози" клуби координаторларининг ўқув-семинари ҳақида маълумот берилди.

Бу семинарда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 27 декабрь куни ёшлар билан учрашувида кўтарилган муҳим масалалар, жумладан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ажрашишларнинг олдини олиш, маъна-

вий-ахлоқий масалалар мавзуларида тақдимот ҳамда тренинглар ташкил этилди.

Уч кун давом этган ўқув-семинарда турли мавзуларда тренинглар ўтказилди. Координаторлар барча турдаги тарғибот материаллари билан таъминланди.

Шунингдек, форумда "Парламентга сайлов якунлари: унда ёш хотин-қизларнинг ўрни", "Қизлар овози" платформаси – ёш хотин-қизлар учун янги имконият", "Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда санъат ва маданиятнинг ўрни", "Ёш хотин-қизлар миграцияси, уларнинг бандлигини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзуларида маърузалар тингланди.

Гулноза БОБОЕВА

МИЛЛИЙ КУТУБХОНА ФОНДИ ЯНГИ АДАБИЁТЛАР БИЛАН БОЙИДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази томонидан тақдим этилган китобларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази билан ШХТга аъзо давлатлар жамоат ташкилотлари ўртасида кўп ва икки томонлама алоқалар изчил ривожланиётгани, жумладан, Хитойнинг яқин кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик кўмитаси билан ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани қайд этилди.

Кутубхонага тақдим этилган китоб ва рисолалар кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Хитой ўтмиши, маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконини беради, – деди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Су Лэй. – Қолаверса, бундай ҳамкорлик халқларимиз ўртасида яқин кўшничилик, дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбир якунида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондини ШХТга аъзо давлатларнинг адабий нашрлари билан тўлдириб бўйича ҳамкорлик келгусида ҳам давом этиши таъкидланди.

Самдурод РАҲИМОВ,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида "Чемпион билан учрашув" лойиҳаси доирасида 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қилган XXXI ёзи Олимпия ўйинларининг бокс бўйича чемпиони Фазлиддин Ғойибназаров билан учрашув бўлиб ўтди.

ЧЕМПИОН БИЛАН БИР КҮН...

Чемпион боксчи талабалар турар жойида ташкил этилган махсус спорт хонасида маҳорат дarsi ўтказди. Шундан сўнг талабалар билан давра суҳбати ташкил этилди.

Суҳбат жараёнида Фазлиддин Ғойибназаров боксдаги фаолияти, эришган ютуқлари, иродасини синовдан ўтказган воқеалар, юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди. Бугунги ўзбек бокси ютуқларида жамоавий бирдамлик асосий омил эканини таъкидлади.

Иқтидорли боксчимиз XXXI ёзи Олимпия ўйинларининг бокс бўйича вази 64 килограммгача бўлган спортчилар ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсда озарбайжонлик Лоренсо Колласо Сотамайорни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган эди.

ЎЗА

Комиссия ҳузурида эксперт гуруҳи ташкил этилган. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича Ўзбекистонга берилган тавсияларни бажариш, ушбу йўналишдаги халқро ҳужжатлардаги қоидаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Йиғилиш доирасида Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент томонидан Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи раиси Хао Цзинхуаниннг Ўзбекистон Республикасининг мазкур соҳадаги миллий тизимини ўзаро баҳолаш жараёни босланганлиги тўғрисидаги мурожаати юзасидан ахборот тақдим этилди.

Шунингдек, йиғилишда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хавфини миллий даражада баҳолаш ҳисоботининг лойиҳаси комиссия томонидан тасдиқланди.

Йиғилиш якунида миллий даражада баҳолаш жараёнида аниқланган хавфлар ва Евроосиё гуруҳи томонидан режалаштирилган ўзаро баҳолашнинг ҳисобга олган ҳолда комиссия фаолиятининг келгусидаги асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Н.АБДУРАИМОВА

ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда комиссия таркибига киритилган республикамизнинг 20 дан ортиқ вазирлик ва идоралари раҳбар ходимлари ҳамда эксперт гуруҳи вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимизнинг 2018 йил 20 сентябрдаги қарори билан ташкил этилган мазкур комиссиянинг асосий вазифаларидан бири жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни баҳолаш бўйича ишни самарали ташкил этишдир.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги миллий ти-

зимни янада ривожлантириш, мустаҳкамлашга оид чораларни кўриш ва тақлифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) тавсиялари талабларини ва ушбу соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига татбиқ қилишни таъминлашдир.

Комиссия раиси, Бош прокурор ўринбосари С.Ортиқова бошқарган йиғилишда комиссия зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича зарур ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" ХОДИМЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ КЎНИКМАЛАРИ ОШИРИЛМОҚДА

"Ўзбектелеком" АК ўз филиалларида фаолият юритаётган раҳбарлар ва бош ҳисобчилар учун махсус курслар ташкил қилди. Улар ушбу курслар ёрдамида ўзларининг бошқарув кўникмаларини ошириши ҳамда тайм-менежментнинг илғор услубларини ўрганиш имконига эга бўлади.

Янги ўқув курсларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шўхрат Содиқов сўзга чиқди.

Вазир "Ўзбектелеком" АКни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини, тақдим этилаётган телекоммуникация хизматларини тақомиллаштириш, менежмент сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Тадбирда компания филиаллари раҳбарлари ўз тажрибалари билан ўртоқлашди, ўзаро фикр алмашди. Улар тайм-менежментнинг замонавий услубларидан фойдаланиш асосида компания ходимларининг иш сифатини яхшилаш ҳақида сўз юритди. Шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 27 декабрда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда ёшлар билан учрашуви чоғида ёшларни қўллаб-қувватлашга доир билдирган тақлифлари ҳам ўрганилди.

Янги ўқув курслар дастури бир ҳафталик муттасил машғулотларни ўз ичига олган бўлиб, уларда менежмент соҳасидаги етакчи мутахассисларнинг 15 дан ортиқ маърузалари тақдим этилади. Айни пайтда компания бўлимларидаги ҳисобчилар учун ҳам махсус машғулотлар ўтказилади.

Роман БОНДАРЧУК

Реклама ва эълонлар

Яшнобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи томонидан 2016 йилда Зоидов Азизжон Самуғжон ўғлига берилган К № 4486108 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Сергели тумани ер тузиши ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Сергели 5А, 22-уй, 83-хонадон учун Аҳмедова Саодат Абдуганиевна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор тиббиёт коллежи томонидан 2010 йилда Тўхтаева Саидаҳон Абдуқарим қизи номига берилган К № 1849672 рақамли, 43268-рўйхат рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Чиноз шаҳридаги 40-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2005 йилда Джураева Камола Фатхуллаевна номига берилган К № 1600767 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани, Бошлиқ мавзеи, 18-уй, 11-хонадон эгаси Ходжимуратова Заравшан Юлдашевна номига туман БТИСИ томонидан берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (371) 232-11-39.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиغا кўра, 16 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 16 январь кун ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли бор. Шарҳдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳаро-

рат кечаси – 2-4 даража совуқ, кундузи – 1-3 даража илқ бўлади.

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 146

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
1164 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.25